



№ _____

**Олий таълим муассасалари
ректорлари ва филиаллар
директорларига**

Олий таълим муассасаларида ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотлари Намунавий режасига мувофиқ, 2018/2019-ўқув йилининг йигирманчи ҳафтасида ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотлари материаллари иловага мувофиқ юборилмоқда.

Шу муносабат билан, Сиздан мазкур ҳафта давомида ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотларини **Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар! “Мардлар қўриқлайди Ватанни”** мавзусида юқори савияда ўтказилишини таъминлашингиз сўралади.

(Машғулотлар вазирликнинг 2018 йил 13 сентябрдаги 87-02-2527-сонли хати орқали тақдим этилган “Ахборот ва мураббийлик соати сабоқлари” номли услубий қўлланмага мувофиқ равишда ташкиллаштирилиши лозим).

Илова: 23 бет.

**Ҳурмат билан,
“Маънавият ва маърифат”
маркази директори**

О.А.Худайназаров

“Мардлар қўриқлайди Ватанни” ҳафталиги “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотларининг 1-босқичи материаллари.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ,
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР
МАЪЛУМОТЛАР**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

Хориждаги етакчи университетлар, илмий марказлар ва бошқа ташкилотларда кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш, ижтимоий соҳа, давлат бошқаруви ва иқтисодиёт устувор тармоқларининг юқори малакали мутахассисларга бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича 2019 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси дастурларига мувофиқ кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш учун номзодларни танлов асосида саралаб олиш схемаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш учун номзодларни танлов асосида саралаб олиш вазирликлар ва идораларнинг мақсадли буюртмалари асосида Жамғарма маблағлари (кейинги ўринларда – Жамғарма стипендиялари) ҳисобидан қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

таълим;

фан ва илмий тадқиқотлар;

соғлиқни сақлаш;

давлат бошқаруви;

иқтисодиётнинг истиқболли тармоқлари.

3. 2019-2021 йилларда Жамғарма стипендиялари ҳисобидан кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш дастурлари бўйича ўқишга юбориладиган кадрларнинг прогноз миқдори 3-иловага мувофиқ 4 000 ўриндан кам бўлмаган миқдорда, Жамғарма стипендияларига ажратилган умумий ўринларнинг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдорини магистратура ва докторантурада ўқиш учун ажратилиши маъқуллансин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

а) вазирликлар ва идоралар ҳар йили 1 августга қадар:

Жамғарма дастурлари бўйича хориждаги етакчи университетлар, илмий марказлар ва бошқа ташкилотларда кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказишга буюртмалар портфелини шакллантиради;

кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказишнинг устувор йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича таклифларни Жамғармага киритади, шунингдек, энг яхши тайёрланган номзодларни Жамғарманинг танловида иштирок этишлари учун тавсия қилади;

б) Жамғарманинг Васийлик кенгаши:

Жамғарма стипендияларини олиш учун йўналишлар бўйича номзодларни танлов асосида саралаб олиш юзасидан кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказишнинг устувор мутахассисликларини тасдиқлайди;

номзодларни танлов асосида саралаб олишнинг тегишли даражаси ва сифатини таъминлаш мақсадида танлов йўналишлари бўйича ажратилган ўринларни қайта тақсимлаш бўйича қарорлар қабул қилади.

5. Жамғарманинг Васийлик кенгашига:

кўзда тутилган лимитлар доирасида Жамғарма стипендиялари йўналишлари бўйича ўрнатилган тартибда қўшимча танловларни эълон қилишга;

алоҳида вазирлик ва идоралар ходимлари касбий фаолиятининг зарурати ҳамда ўзига хос жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда Жамғарма стипендияларига номзодларни танлов асосида саралаб олиш йўналишларига ўзгартиришлар киритишга;

халқаро тан олинган ташкилотлар рейтингига кўра жаҳондаги энг яхши 500 талик ёки танланган фан йўналиши бўйича энг яхши 200 талик рўйхатига кирган хорижий таълим муассасалари ва илмий марказларнинг магистратураси ёки докторантурасига мустақил тарзда кирган ва таълим олаётган Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига Жамғарма стипендияларини ажратиш бўйича қарорлар қабул қилишга;

Жамғарма харажатлари параметрларида хорижий ҳамда маҳаллий таълим ва илмий муассасалари билан биргаликда ташкил этиладиган таълим ва тадқиқот лойиҳаларини, шу жумладан, Жамғарма стипендияларига номзодларни хорижий тилларга ўқитиш дастурларини молиялаштириш учун зарур маблағларни кўзда тутишга рухсат берилсин.

6. Вазирлик ва идоралар икки ҳафта муддатда 2019 йил учун ажратилган ўринлардан келиб чиқиб, хорижда кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказишнинг устувор йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича асосланган таклифларни Жамғармага тақдим этсин.

Жамғарма Васийлик кенгаши икки ой муддатда Бир номзодга ажратиладиган Жамғарма стипендиясининг чегаравий ўлчами ва молиялаштириш тартибини белгилаш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

Жамғарма, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда 2019 йилнинг 1 мартига қадар Жамғарма стипендияларини олишга номзодларни, айниқса, республика ҳудудларида хорижий тилларга ўқитишнинг махсус дастурларини ишлаб чиқсин;

2019 йилнинг 1 апрелидан бошлаб Жамғарма стипендияларини олишга номзодларни хорижий тилларга (инглиз, немис, француз ва бошқалар) ўқитиш махсус дастурлари асосида мақсадли курсларни ташкил этиш чораларини кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 сентябрдаги ПФ-5545-сон Фармонида кўзда тутилган манбалар билан бир қаторда Жамғарманинг хорижда

кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш қисми бўйича харажатларини молиялаштиришнинг қўшимча манбаси этиб белгилансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси:

2019 йилда Жамғарма дастурлари бўйича хорижда кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказишни молиялаштириш учун 3 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратсин;

Жамғарманинг асосланган талабномалари бўйича хорижда кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш харажатларини молиялаштиришни таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси номидан тузиладиган инвестицион битимларга инвесторларнинг инвестициялари объекти бўлган ташкилотлар учун хорижда кадрларни (мутахассисларни), шу жумладан, Жамғарманинг таълим дастурлари бўйича ўқитиш йўли билан тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказишни молиялаштириш бўйича мажбуриятлари киритилишини амалиётга татбиқ этсин;

Жамғарма ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Жамғарма дастурлари доирасида хорижда кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказишни молиялаштириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молиявий ташкилотларининг узок муддатли грант маблағларини жалб этиш масаласини ишлаб чиқсин ва натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига асосланган таклифларни киритсин.

11. Жамғарма хорижда таълим оладиган стипендиатларнинг дастлабки миқдорини аниқлаб, кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича аниқ таклифларни бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари билан биргаликда Жамғармага қуйидаги масалалар юзасидан қўмак берилишини таъминласин:

халқаро ташкилотлар, хорижий мамлакатлар давлат тузилмалари ва нодавлат ташкилотлари билан алоқа ўрнатиш ҳамда уларни кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга жалб қилиш;

республика мутахассисларини хориждаги етакчи университетлар, илмий марказлар ва бошқа ташкилотларда тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказишга юбориш;

ҳамкорлар излаш ҳамда Жамғарма стипендиатларини ўқитиш учун хорижий мамлакатлар етакчи университетлари ва илмий марказлари билан ҳамкорлик тўғрисида тегишли битимларни тузиш;

бир йилда камида икки марта Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари иштирокида Жамғарма дастурлари бўйича кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказишни ташкиллаштириш масалаларини муҳокама қилиш учун видеоселектор йиғилишини ўтказиш.

13. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Жамғармага:

мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларни амалга оширишга етакчи хорижий экспертлар, шу жумладан, чет элда яшайдиган ватандошларни жалб этиш ҳамда уларнинг салоҳиятидан фойдаланиш масалаларини ишлаб чиқиш учун

иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари бўйича талаб этиладиган мутахассисликлар рўйхатини;

илгари тегишли вазирликлар ва идораларнинг марказий аппаратлари ва таркибий бўлинмаларида ишлаган, ҳозирда чет элга чиқиб кетган юқори малакали мутахассислар рўйхатини киритсин.

14. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, “Дунё” ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига Жамғарма томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

15. Жамғарма манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2019 йил 4 январь

ЭЛЕКТРОТЕХНИКА САНОАТИНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

<http://www.uza.uz/oz/documents/elektrotehnika-sanoatininga-eksport-salo-iyatini-yanada-rivo-04-01-2019>

ТУРИЗМ ТАРМОҒИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ЧОРА- ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

<http://www.uza.uz/oz/documents/turizm-tarmo-ini-zhadal-rivozhlantirishga-oid-chora-tadbirla-05-01-2019>

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТУРИЗМНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони

<http://www.uza.uz/oz/documents/sdfscxzcxcvxy>

СУДЬЯЛИК ЛАВОЗИМЛАРИГА НОМЗОДЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ, СУДЬЯЛАР ВА СУДЛАР АППАРАТИ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ, УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

<http://www.uza.uz/oz/documents/sudyalik-lavozimlariga-nomzodlarni-tayyerlash-sudyalar-va-su-07-01-2019>

ҲУДУДЛАРНИ КОМПЛЕКС ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА СЕКТОРЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА

ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори
<http://www.uza.uz/oz/documents/ududlarni-kompleks-izhtimoiy-i-tisodiy-rivozhlantirish-b-yich-08-01-2019>

ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони
<http://www.uza.uz/oz/documents/zhamiyatda-u-u-iy-ong-va-u-u-iy-madaniyatni-yuksaltirish-tiz-10-01-2019>

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ ВА БОШҚАРИШНИНГ САМАРАЛИ МОДЕЛИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони
<http://www.uza.uz/oz/documents/zhizzakh-viloyatini-kompleks-rivozhlantirishni-davlat-tomoni-10-01-2019>

ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони
<http://www.uza.uz/oz/documents/i-tisodiy-rivozhlanish-so-asida-davlat-siyosatini-amalga-osh-11-01-2019>

УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони
<http://www.uza.uz/oz/documents/urbanizatsiya-zharayenlarini-tubdan-takomillashtirish-chora-a-11-01-2019>

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 27 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ ВА ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ф а р м о н и
<http://www.uza.uz/oz/documents/vatan-imoyachilari-kuni-va-zbekiston-respublikasi-urolli-kuch-12-01-2019>

**Эслатма: Мазкур ҳафтада ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотларининг 2-босқичи – 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ўтказиладиган “Жасорат дарслари” машғулотлари тўғрисида талаба-ёшларга тушунтирилади.*

Ҳафталикнинг 3-босқичида талаба-ёшларга мурасалилик (келишимлилик) фазилати ҳақида тушунча берилади, 4-босқичда – талабаларнинг қайси босқичдалигига қараб ойнинг бошида берилган китобларнинг бири ҳақида фикр-мулоҳаза юритилади.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошлар!

Мухтарам дўстлар!

Мана шу ҳаяжонли, файзли дамларда жонажон Ўзбекистонимизга 2019 йил кириб келмоқда.

Сиз, азизларни, қўп миллатли халқимизни Янги йил байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Барчангизга улуғ бойлик бўлган оилавий бахт ва саломатлик тилайман.

Азиз юртдошлар!

2018 йилда барча соҳаларда халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига катта ўзгаришларни амалга оширдик.

Замонавий корхоналар, уй-жойлар, йўллар, қўприклар қурилди. Таълим, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари барпо этилди.

Хорижий давлатлар, аввало, яқин қўшниларимиз билан дўстлик ва ҳамкорлик янада кучаймоқда.

Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини ошириш учун салмоқли ишлар қилинди.

Бунинг натижасини бугун ҳар бир инсон ва оила, ҳар бир жамоа ўз мисолида кўрмоқда. Энг муҳими, одамларимизнинг эртанги кунга ишончи ортмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ўтаётган йил мамлакатимиз тарихида ёрқин из қолдирган йил бўлди.

Шу боис эски йилимизни шукроналик ва розилик билан кузатмоқдамиз.

Ҳурматли дўстлар!

Биз 2019 йилга **Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили**, деб ном бердик.

Фаол инвестициялар тараққиёт учун чексиз имкониятлар эшигини очади.

Ижтимоий ривожланиш эса халқимиз турмуш даражаси ва сифатини кескин оширишга хизмат қилади.

Биз юртимизда тинчлик ва осойишталикни, миллатлар ва фуқаролар ўртасида тотувликни таъминлашга устувор аҳамият қаратамиз. Халқ билан мулоқотни юқори босқичга олиб чиқамиз.

Тадбиркорлик ва хусусий мулкни қўллаб-қувватлаш ишларини давом эттирамиз.

Диёримизни янада обод ва кўркем қилиш асосий вазифамиз бўлиб қолади.

Эҳтиёжманд оилалар ва ёрдамга муҳтож инсонларни ҳимоя қилишга, аҳоли даромадларини оширишга эътиборни янада кучайтирамиз.

Мухтарам фахрийлар, опа-сингилларимиз ва ёшларимизга ғамхўрлик кўрсатиш доимо диққатимиз марказида бўлади.

Ушбу файзли окшомда барча давлат ва халқларга, хорижий дўстларимиз, ҳамкорларимизга эзгу тилакларимизни йўллаймиз.

Азизларим, қадрдонларим!

Халқимизнинг барча орзу-ниятлари ушалсин!

Фарзандларимиз, набираларимизнинг бахту камолини кўрайлик!

Гўзал ва бетакрор юртимиз тинч-осойишта, олижаноб, бағрикенг халқимиз ҳамиша омон бўлсин!

2019 йилнинг қадами кутлуғ келсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

КВОН ЁН У: ЯНГИ ЙИЛДА ҲАМ БИРГАЛИКДА ЯНАДА САМАРАЛИ ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

– Ўзбекистонда сўнги 2 йилда Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида амалга оширилаётган катта ўзгаришларга гувоҳ бўлдик. Давлатингиз томонидан олиб борилаётган туб ислохотлар аввало дипломатик алоқалар, иқтисодиёт, сиёсат, муҳофаза ва бошқа соҳаларда намоён бўлмоқда. Айниқса, ижтимоий соҳаларга қаратилаётган алоҳида эътибор, аҳолига яратилаётган шароитлар бунга ёрқин мисолдир.

2018 йил сўнгида халқаро ҳамжамият Ўзбекистонга яна бир бор юксак баҳо берди. Бу юртингизнинг инсон ҳуқуқлари ва қадриятларини хурмат қилиш борасидаги ташаббуси билан боғлиқ. 12 декабрда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев илгари сурган ғоя асосида БМТ Бош Ассамблеясининг “Маънавият ва диний бағрикенглик” резолюцияси қабул қилинди. Бу жуда муҳим резолюция ҳисобланади ва Корея Ўзбекистонни қўллаб-қувватлайди.

Яқинда АҚШ Давлат котибининг Ўзбекистонни “алоҳида хавотирга сабаб бўлувчи мамлакатлар рўйхати”дан чиқариш тўғрисидаги қарори ҳам Шавкат Мирзиёев юритаётган оқилона сиёсат туфайли деб биламан. Ўзбекистон ҳукумати ва халқини мана шундай ютуқлар билан табриклаш мен учун катта шараф.

Ўзбекистон – Корея муносабатлари конструктив руҳда ривожланиб бормоқда. 2017 йилда давлатингиз раҳбарининг Кореяга ташрифи тарихий воқеа бўлди. Бу давлатларимиз ўртасидаги муносабатларни янги босқичга олиб чиқди ва янада мустаҳкамлади. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ишонч ва дўстликка асосланган ҳамкорлик унинг кейинги ривожига хизмат қилади.

Корея Республикаси билан Ўзбекистон ўртасида кенг қамровли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Янги йилда ҳам биргаликда янада самарали лойиҳаларни амалга оширамиз деган умиддаман.

**Квон Ён У, Корея Республикасининг
Ўзбекистондаги Фавқулодда
ва мухтор элчиси**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ БОШ КОТИБИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 январь кuni жорий йил 1 январдан бошлаб Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби лавозимига киришган Владимир Норовни қабул қилди. Бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати хабар қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси вакилининг шундай юқори ва масъулиятли лавозимга – ШХТ Бош котиблигига тасдиқланиши тарихий воқеа эканини таъкидлади.

Биринчи марта мамлакатимиз фуқароси халқаро ташкилотнинг раҳбари этиб тайинланди.

Учрашув чоғида Ўзбекистон Президенти очиқ ва конструктив мулоқот учун самарали майдон, кўп қиррали ҳамкорликнинг таъсирчан механизми, Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликнинг муҳим омилига айланган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолиятига юқори баҳо берди.

ШХТнинг асосий ҳужжатларида мустаҳкамланиб қўйилган мамлакатларнинг суверенитети, мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги ва давлат чегараларининг дахлсизлигини ўзаро хурмат қилиш, ички ишларга аралашмаслик, тенглик, ўзаро ишонч ва манфаатларни ҳисобга олиш каби тамойилларнинг асосий роли кайд этилди.

Ўтган давр мобайнида кўп томонлама ҳамкорликка доир салмоқли шартномавий-ҳуқуқий база шакллантирилди, ШХТнинг 30 яқин ишчи органи муваффақиятли фаолият кўрсатиб келмоқда.

Хорижий давлатлар ҳамда халқаро тузилмаларнинг мазкур нуфузли ташкилот билан шериклик муносабатларини йўлга қўйишга қизиқиши тобора ортиб бораётгани таъкидланди.

Мамлакатимиз Президенти Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида ишга солинмаган улкан салоҳияти мавжудлигига алоҳида эътибор қаратди. Хавфсизликни мустаҳкамлаш, савдо, иқтисодиёт, инвестиция, транспорт коммуникациялари, туризм, қишлоқ хўжалиги ҳамда минтақалараро ҳамкорлик соҳаларидаги алоқаларни ривожлантириш келгусидаги устувор йўналишлар сифатида қайд этиб ўтилди.

Мамлакатимизда Ташкилот доирасида ҳамкорликни ривожлантириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳрида ШХТнинг Халқ дипломатияси маркази таъсис этилди, Самарқанд шаҳрида “Ипак йўли” туризм халқаро университети ташкил қилинмоқда.

Ўзбекистон томонининг ташаббусига мувофиқ Циндао саммити якунида ШХТ давлат раҳбарларининг Ёшларга қўшма мурожаати ҳамда уни амалга ошириш бўйича Ҳаракат дастури қабул қилинди.

Учрашув сўнгида давлатимиз раҳбари В.Норовга ШХТ Бош котиби лавозимида омад ва муваффақият тилади.

ВЛАДИМИР НОРОВ: КўП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИК ШХТ ФАОЛИЯТИДА ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР ОЧАДИ

ШХТ Бош котиби Владимир Норов масъулиятли лавозимдаги фаолияти, Ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида кўп қиррали ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш борасида амалга оширилажак ишлар ҳақида ЎЗА мухбирига интервью берди:

– Президент Шавкат Мирзиёев билан учрашувда билдирилган таклифлар Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби сифатидаги фаолиятим учун жуда муҳим. Давлатимиз раҳбари мен Ўзбекистоннинг ШХТдек нуфузли ташкилотнинг масъулиятли лавозимида тайинланган биринчи вакили эканимни алоҳида таъкидлади. Бу ишонч менга Циндаодаги саммитда ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари томонидан ҳам билдирилди. Келгусида ўз билим ва тажрибамни бу ишончни оқлашга, аъзо давлатлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратаман.

Бош котиб сифатида ШХТ аъзоларига, ташкилот Хартияси ва Шанхай руҳига риоя қилиш, аъзо давлатлар ўртасида кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришга йўналтирилган концептуал ҳужжатларни ҳаётга жорий этиш фаолиятимнинг асосий тамойилига айланади.

2018 йилдан Ҳиндистон ва Покистон ШХТда тенг ҳуқуқли аъзо сифатида иштирок эта бошлади. Ушбу давлатларга қабул қилинган ҳужжатлар ва ШХТнинг 30 га яқин ишчи органи фаолиятига қўшилишга кўмаклашиш Котибиятнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Чунки янги аъзолар Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг нуфузини янада оширишда катта роль ўйнайди.

Бугунги кунда Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш нафақат ШХТ маконида, балки Марказий Осиёда хавфсизлик ва изчил тараққиётни таъминлашда муҳим омиллардан. Шу боис Президентимиз “ШХТ – Афғонистон” мулоқот гуруҳи фаолиятини ривожлантириш, бу борада махсус “Йўл харитаси” ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади.

Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган ШХТ давлат раҳбарларининг Ёшларга қўшма мурожаатини рўёбга чиқариш, хавфсизлик соҳасида Тошкентда жойлашган ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси билан мувофиқлаштирилган тадбирларни ўтказишга эътибор қаратамиз.

Бугунги кунда ШХТ маконида икки томонлама иқтисодий ҳамкорлик ривожланмоқда, аммо кўп томонлама инвестициявий дастурлар ҳануз амалга оширилмаган. Президентимиз Циндао саммитида бу масалага ҳам эътибор қаратган эди. Ушбу таклиф давлатлар раҳбарлари томонидан қўллаб-қувватланди. Эндиликда уни амалга ошириш учун зарур молиявий механизмларни шакллантириш ва ундан самарали фойдаланиш талаб этилади.

Учрашувда транспорт коммуникацияларини ривожлантириш, логистика марказлари ташкил этиш, савдо-иқтисодий ҳамкорликка тўсқинлик қиладиган ортиқча тариф ва стандартларни енгиллаштириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Ўйлайманки, бу борадаги ташаббуслар рўёби ШХТ фаолиятида янада янги имкониятлар очади.

ДЕПУТАТЛАР ҚАНДАЙ ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИ?

2019 йил 7 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ҳукумат аъзолари, қатор вазирлик, идоралар, давлат ташкилотлари ва жамоат бирлашмалари вакиллари билан бир қаторда, халқ депутатлари Тошкент шаҳри ва пойтахт туманлари Кенгашлари депутатлари ҳам қатнашди.

Мажлисда депутатлар мамлакатда турли соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Қизғин муҳокама этилган масалалардан бири “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бўлди.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунчилиги хужжатларига мувофиқ, амалиётда айрим тоифадаги шахслар, хусусан, хорижий мамлакатларда бўлган давр мобайнида оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этган шахслар устидан маъмурий назорат ўрнатилади. Шу нуқтаи назардан, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1992 йилдаги амалдаги қонуннинг янги таҳрири тарихида киритилган ушбу лойиҳа рецидив ва бошқа жиноятларнинг олдини олишда самарали восита бўлган маъмурий назорат институтини янада такомиллаштиришга қаратилган. Депутатларнинг таъкидлашича, озодликдан маҳрум этиш жойларидан чиққандан кейин маъмурий назоратга олинган шахслар томонидан жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, маҳкумни тузатиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини кучайтиришга хизмат қиладиган мазкур қонун лойиҳаси бир пайтнинг ўзида ички ишлар органларининг ушбу йўналишдаги фаолияти самарадорлигини оширишга ҳам ёрдам беради.

Лойиҳа норма ижодкорлиги талабларидан келиб чиқиб, масъул қўмита томонидан жиддий ишланди ва янги, тугал қонун шаклига келтирилди. Унга кўра, 21 та модда қайта ишлаб чиқилди ва 6 та янги модда киритилди. Қонундаги ҳаволаки нормалар чиқариб ташланди. Назоратни ўрнатиш, амалга ошириш, назоратни тугатишни ўзида ифода этган нормаларга аниқлик киритилди. Маъмурий назорат ўрнатиладиган шахслар тоифаси қисқартирилди, бундай шахсларга белгиланадиган чекловларга аниқлик киритилиб, уларнинг сони камайтирилди. Маъмурий назоратни муддатидан олдин олиб ташлашни белгиловчи нормалар билан бойитилди. Ана шундай жиддий ўзгаришлар билан

лойиха тўғридан-тўғри ишлайдиган қонунга айланди. Муҳокамалар, тортишувлардан сўнг қонун лойиҳаси қабул қилинди.

Шундан сўнг депутатлар шахсинг ақли расоликни истисно қилмайдиган руҳий нуқсонлари аниқланган шахсларга нисбатан қўлланиши кўзда тутилган тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ҳамда бундай чораларни қўллаш тартиби бўйича Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия кодексларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини кўзда тутадиган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар.

Президентимизнинг 2018 йил 16 мартдаги “Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан тайёрланган ушбу қонун лойиҳаси билан юқоридаги кодексларга ижтимоий хавфли қилмишларни содир этган, ақли расоликни истисно қилмайдиган руҳий ҳолати бузилганликдан азият чекувчи шахслар учун жазо билан биргаликда тайинланадиган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тартибини белгилаш ҳамда мажбурлов чораларини ўташ тартибини аниқлаштиришга доир тегишли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилмоқда.

Депутатларнинг фикрича, қонун ҳужжатларида суд-психиатрия экспертизаси ўтказишда аниқланиши лозим бўлган масалалардан бири шахсинг ақли расоликни истисно қилмайдиган руҳий нуқсонлари бор-йўқлиги билан боғлиқ омилдир. Ҳозирги кунга қадар суд-психиатрия экспертизаси жараёнида ушбу тоифадаги шахслар аниқланишига қарамай, қонунчиликда уларга нисбатан ҳеч қандай мажбурий даволаш чоралари кўзда тутилмаган. Лойиҳанинг қабул қилиниши ақли расоликни истисно этмайдиган руҳий бузилишлари аниқланган, суд томонидан жазо тайинланган шахсларга нисбатан жазо билан биргаликда тайинланадиган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ва уларни психиатр шифокорларнинг назоратисиз қолдирмасликка имкон беради.

Қонун лойиҳаси юзасидан кечган муҳокамалар жараёнида депутатлар ушбу ҳужжат инсон тақдирига дахлдорлигини инобатга олиб, қонун ташаббускорларига бир қатор ҳаётий саволлар билан мурожаат этди. Баҳс-мунозаралар якунида мазкур лойиҳани норма ижодкорлиги талабларига тўла жавоб берадиган қилиб янада пишиқ-пухта ишлаш таклифи илгари сурилди. Сўнг қонун лойиҳаси овозга қўйилди. Бироқ у етарлича овоз ололмади ва қайта ишлаш учун масъул қўмига қайтарилди.

Шундан кейин депутатлар “Яйловлар тўғрисида”ги қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Қуйи палатанинг бир гуруҳ депутатлари ташаббуси билан тайёрланган мазкур қонун лойиҳаси муҳокамаси чоғида қайд этилганидек, бугунги кунда юртимизда яйлов ва пичанзорларнинг умумий майдони 21,1 миллион гектарни ёки мамлакат ер майдонининг 46,5 фоизини ташкил этади. Аммо кейинги 35-40 йил давомида кўчма чорвачиликда яйловлардан меъёрдан ортиқ фойдаланиш, молларни яйловларда ортиқча боқиш ҳамда бошқа антропоген таъсирлар натижасида чорва озуқаси ҳажми камайиб, яйлов ерлари инқирозга юз тутмоқда. Таҳлилларга кўра, ҳозирги кунга келиб мамлакатимиздаги яйлов майдонларидан 16,4 миллион гектари (78 фоизи) инқирозга учраган, 20 фоиздан ортиқ майдондаги яйлов ва пичанзорда ўсимликлар сони ҳамда турлари камайиб, маҳсулдорлик 2 баробарга қисқарган.

Яйловлардан фойдаланиш бўйича самарали ҳуқуқий механизм яратилмагани, мазкур соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи махсус қонун қабул қилилмагани, яйловлардан оқилона фойланиш юзасидан давлат бошқаруви органларининг ваколатлари аниқ белгиланмагани, мол боқиш ва пичан ўриш

меъёрлари ва режалари белгиланмагани натижасида республикадаги яйловларнинг ҳолати йилдан-йилга ёмонлашиб бормоқда.

Мажлисда таъкидланганидек, депутатлар томонидан ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан яйловлардан оқилона фойдаланишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари яратилади. Давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари белгиланади. Инқирозга учраган яйлов майдонларини аниқлаш ва уларни тиклаш, ҳосилдорлигини ошириш учун озуқабоп экинларни экиш ишлари ташкил этилади. Озиқ-овқат маҳсулотлари захираси ҳамда аҳолига гўшт ва сут маҳсулотларини етказиб бериш кўпаяди. Чорвачиликда яйловлардан фойдаланишнинг меъёрлари белгиланади.

Шундан сўнг депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Б.Алихоновнинг “Оролни кутқариш халқаро жамғармаси (ОҚХЖ) таъсисчи давлатлари раҳбарлари саммитида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуслари ва таклифлари мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш бўйича амалий тадбирлар Дастури тўғрисида”ги ахборотини тингладилар.

Хабарингиз бор, Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида Траст фондининг тузилиши ўзбек дипломатиясининг катта ютуғи бўлди, деган эди.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари томонидан 2018 йил 24 августда Туркменистонда бўлиб ўтган Оролни кутқариш халқаро жамғармаси саммитида бир қатор муҳим ташаббуслар қаторида, 2018 йил июнь ойида Тошкент шаҳрида Орол фожиаси оқибатларини юмшатишга бағишлаб ўтказилган халқаро конференциянинг асосий хулоса ва тавсияларини ҳисобга олган ҳолда Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўпшерикли Траст фондини ташкил этиш ташаббуси илгари сурилган эди. 2018 йил 27 ноябрда эса, Нью-Йорк шаҳрида БМТ Бош Ассамблеяси 73-сессияси доирасида Ўзбекистонда Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп шериклик асосида БМТнинг Траст фондини ишга туширишга доир олий даражадаги тадбир ўтказилди ва амалий иш (“Йўл харитаси”) кўрсатилгандан сўнг фонд ўз фаолиятини бошлади.

Президентимиз томонидан илгари сурилган мазкур ташаббус ва таклифларни ўз вақтида, самарали амалга ошириш мақсадида Амалий саъй-ҳаракатлар режаси ҳамда устувор миллий дастурлар ва лойиҳалар рўйхати тасдиқланган. Шу билан бирга, ушбу ташаббус ва таклифлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш бўйича Амалий тадбирлар дастури ва Медиа-режаси ишлаб чиқилган.

Мажлисда депутатлар томонидан мазкур дастур ва медиа-режа атрофлича муҳокама қилиниб, парламент қўйи палатаси Кенгашининг тегишли қарори тасдиқланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.Абдуҳақимовга “Тошкент шаҳри ҳамда Навоий вилоятининг Навоий шаҳрида аҳолига давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам кўрсатишни самарали ташкил қилиш чораларини кўриш тўғрисида” ҳамда “Бирламчи тиббий-санитария муассасалари учун белгиланган штат миқдорларини қайта кўриб чиқиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг парламент сўровларини юбориш ҳақидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 8 январь куни жорий йилги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда ҳукумат аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, мамлакатимизнинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари иштирок этди.

Фаол инвестиция сиёсати барқарор иқтисодий тараққиётга эришишнинг энг муҳим шартларидан биридир. Шу боис давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2019 йил мамлакатимизда “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”, деб эълон қилинди.

2019 йилги Инвестиция дастурига 16,6 миллиард долларлик 3 мингдан зиёд лойиҳа киритилган. Бу 2018 йилга нисбатан 16 фоиз кўпдир. Жумладан, жорий йилги Инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 3,2 миллиард доллар бўлган 140 та ишлаб чиқариш қувватини фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Видеоселектор йиғилишида ушбу йирик ва муҳим лойиҳаларни ўз муддатида ва сифатли амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, хорижий давлатлар ва инвесторлар билан фаол иш олиб борилаётгани натижасида жами инвестицияларнинг 25 фоизини тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ташкил этмоқда. Хусусан, жорий йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги 320 та лойиҳа доирасида 4,2 миллиард доллар ўзлаштирилиши кўзда тутилган.

Президент тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни сўзсиз амалга ошириш, чет эллик инвесторларга ҳар томонлама ёрдам бериш ҳукуматнинг энг муҳим вазифаси бўлиши кераклигини таъкидлади. Инвестицияларнинг асосий қисмини ўзлаштиришни йилнинг охиригача ойларига суриш амалиётига чек қўйиб, барча тармоқлар ва ҳудудларда бунини биринчи ярим йилликда камида 35 фоизга, тўққиз ойликда 70 фоизга етказиш зарурлиги қайд этилди.

Бу борадаги вазифалар Вазирлар Маҳкамаси комплекслари бўйича таҳлил қилинди. Хорижий инвестициялар улуши ўтган йилгига нисбатан камайган соҳа ва тармоқлар кўрсатиб ўтилди. Йил охирига қадар кўшимча инвестицияларни жалб қилиш, уларни тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга талаб юқори бўлган соҳа ва ҳудудларга йўналтириш, ушбу ресурсларнинг ўзлаштирилишини назоратга олиш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига ҳудудий лойиҳаларни амалга ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу борадаги ишлар натижасида ўтган йили 1 миллиард доллардан зиёд инвестициялар ўзлаштирилган, 133 та янги корхона ишга туширилган. Бироқ ҳокимлар ва уларнинг инвестиция бўйича ўринбосарлари ишни ташкил этишда камчиликларга йўл қўйгани оқибатида Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Андижон, Фарғона, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё вилоятларида айрим объектлар фойдаланишга топширилмай қолган.

Давлатимиз раҳбари бундай лойиҳаларда юзага келган муаммоларни бартараф этиш бўйича тармоқ жадваллари ишлаб чиқиш ва ижросини назоратга олиш юзасидан топшириқ берди.

Жорий йилда тўғридан-тўғри инвестициялар иштирокида 209 та ҳудудий лойиҳа амалга оширилиб, 1,9 миллиард доллар ёки ўтган йилга нисбатан 2 баробар кўп маблағ ўзлаштирилиши режалаштирилган. Йиғилишда шу ва мамлакатимиз элчилари кўмагида шакллантирилган қўшимча лойиҳаларни амалга ошириш учун ҳар бир ҳудудга республика идоралари раҳбарлари масъул этиб бириктирилди.

Эндиликда ҳудудлар ва тармоқларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳалар кўламини кенгайтириш, уларни амалга оширишда қатъий назорат механизмини ўрнатиш учун янги тизим ташкил этилиши маълум қилинди. Унга мувофиқ:

биринчи – вилоят ҳокимлари ҳар ҳафтада биттадан туман ёки шаҳарга бориб, элчилар билан алоқа ўрнатган ҳолда, у ерга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш чораларини кўради. Худди шундай тармоқ раҳбарлари ҳам ҳар ҳафтада битта вилоятга бориб, ўша жойдаги корхоналари билан бирга амалдаги лойиҳаларни бажаришни жадаллаштириш ва қўшимча инвестиция лойиҳалари бўйича ишни ташкил этади. Зарур ҳолларда маҳаллий раҳбарлар ва тадбиркорларга инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишни ўргатади. Бош вазир ва унинг ўринбосари элчилар иштирокида ҳудудлар ва тармоқларга жалб қилинган хорижий инвестицияларни ўзлаштириш ҳолатини мунтазам муҳокама қилиб боради. Натижаларига қараб, ҳокимлар ва тармоқлар раҳбарлари рағбатлантирилади ёки уларга нисбатан иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида жарима қўлланади.

Ҳудудларга бириктирилган республика идоралари раҳбарлари вилоят ҳокимлари ва элчилар билан биргаликда ҳар бир туман (шаҳар)да тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш ҳолатини ўрганиб, уларнинг ижросини жадаллаштириш бўйича аниқ чоралар кўради. Шунингдек, қўшимча лойиҳалар бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва хорижий инвесторларни жалб қилади.

Иккинчи – Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ҳудудлар ва тармоқларнинг инвестиция лойиҳалари бўйича таклифларини умумлаштириб, самарадорлигини баҳолайди ва ягона электрон “онлайн” базани шакллантиради.

Учинчи – Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда ҳудудларга бириктирилган элчилар ягона электрон базага киритилган лойиҳаларга хорижий инвесторларни жалб қилади.

Тўртинчи – Вазирлар Маҳкамаси саралаб олинган истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий инвесторлар билан тегишли келишувларни расмийлаштириш чораларини кўради ва ижросини назоратга олиш бўйича “йўл харитаси”ни тасдиқлайди.

Шавкат Мирзиёев янги лойиҳаларга инвесторларни жалб қилишни янада фаоллаштириш учун ҳар йили барча ҳудудларда камида бир марта хорижий сармоядорлар иштирокида инвестиция форумлари ўтказиш, шунингдек, хориждаги йирик халқаро инвестиция форумларида юртимиз тадбиркорлари иштирокини таъминлаш зарурлигини таъкидлади. Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Ташқи ишлар вазирлигига жорий йилда ҳудудларда ташкил этиладиган инвестиция форумлари режа-жадвалларини шакллантириш бўйича кўрсатмалар берди.

– Энг муҳими, инвестиция лойиҳаларини тўғри жойлаштириш керак. Бу борада инвесторларнинг ягона талаби – лойиҳа мўлжалланган жой зарур инфратузилма тармоқларига эга бўлишидир. Шунинг учун яқинда урбанизация жараёнини такомиллаштириш бўйича Президент қарорини қабул қилдик. Бундан

асосий мақсад – инфратузилма мавжуд ва ривожланиши қулай бўлган жойларга инвесторлар жалб қилинса, саноатнинг тизимли ривожланишига эриша оламиз. Саноат бор жойда иш ўринлари ва даромад бўлади, уй-жойлар, ижтимоий объектлар, шаҳарчалар барпо этилади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Видеоселектор йиғилишида яна бир муҳим масала – хорижий инвесторлар лойиҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масаласи муҳокама қилинди. Халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда, хорижий инвесторларни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Жорий йилда тижорат банклари хорижий банкларнинг жами 740 миллион доллар тўғридан-тўғри кредитларини жалб қилиши белгиланган. Йиғилишда узок муддатли, паст фоизли тўғридан-тўғри хорижий кредит ресурсларини жалб қилиш ишларини кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Тўғридан-тўғри инвестициялар иштирокида ишончли лойиҳалар портфелини шакллантириб бориш тизимини яратиш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

Жорий йилда 84 та лойиҳа доирасида халқаро молия институтлари ва донорларнинг 2,7 миллиард доллар маблағини ўзлаштириш кўзда тутилган. Йиғилишда бу лойиҳалар Вазирлар Маҳкамаси комплекслари кесимида таҳлил қилиниб, уларни ўз муддатида ва сифатли амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Бундан ташқари, 2 минг 800 та ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектини қуриш ва таъмирлаш режалаштирилган. Давлатимиз раҳбари халқимизнинг ҳаёт сифатига дахлдор бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, соғлиқни сақлаш объектлари, йўллар, ичимлик суви тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича белгиланган ишларни жадаллаштириш зарурлигини таъкидлади.

Видеоселектор йиғилишида Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар ижросини ташкил этиш юзасидан кўрилаётган чоралар ҳақида ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва вилоят ҳокимларининг ҳисоботлари тингланди.

АСОСИЙ МАҚСАД – АҲОЛИНИНГ ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА ҲАЁТИНИ ТАЪМИНЛАШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 январь куни Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 7-ички ишлар бўлимига ташриф буюрди.

Мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, жамоат тартибини сақлаш ва жинойтчиликнинг барвақт олдини олишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Соҳани такомиллаштириш мақсадида кейинги икки йилда 100 дан ортиқ қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 14 февралдаги қарорига мувофиқ, Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатдан янги тизими жорий этилди. Ички ишлар органлари барча бўғинларининг тузилмаси ва ваколатлари қайта кўриб чиқилиб, пойтахтимизда тажриба тариқасида 73 та ички ишлар бўлими ташкил этилди. Ходимларнинг 65 фоизи аҳолига яқин бўлиши учун қуйи бўғиндаги ички ишлар бўлиmlарига ўтказилди. Уларнинг бевосита жойларда самарали хизмат ўташи учун муносиб ижтимоий-маиший шароит яратиб берилди.

Жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ишлари кенг жамоатчилик иштирокида ташкил этилаётгани самарасида 2018 йилда умумий жинойтчиликни камайитиришга эришилди. “Хавфсиз шаҳар”, “Хавфсиз туризм”, “Хавфсиз хонадон” тизимлари жорий этилгани, туну кун патруль хизмати

йўлга қўйилгани натижасида одамларда адолат ва қонун устуворлигига ишонч пайдо бўлди.

Тошкент шаҳри мисолида кўплаб тажрибалар синовдан ўтказилди. Хусусан, илк бор жамоат жойларида бемақсад юрган, шубҳа уйғотган одамларнинг шахсини аниқлаш, улар иштирокида рўй бериши мумкин бўлган салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ички ишлар ходимлари ахборот-ресурс марказига уланган, барча маълумотларни зудлик билан олиш имкониятига эга планшетлар билан таъминланди.

Юнусобод туманидаги 7-ички ишлар бўлими ҳам замонавий тизим асосида ташкил этилган. Тезкор навбатчилик қисми, профилактика, тергов, жиноят-қидирув бўлинмалари, ички миграция ва фуқароликни расмийлаштириш гуруҳи, психолог фаолияти, ёнғин хавфсизлиги, тез ёрдам, фавқулодда вазиятлар ва бошқа хизматлар бир жойда жамланган. Шунингдек, хотин-қизлар билан яқиндан ишлаш учун аёл инспекторлар фаолияти йўлга қўйилган.

Тезкор навбатчилик қисмида ҳудудни туну кун назорат қилиш имконини берадиган видеокузатув тизими жорий этилган. Бўлим тумандаги 7 та – Увайсий, Юртобод, Шоштепа, Бободехқон, Меҳнатобод, Бебор, Оқтепа маҳаллалари аҳолисига хизмат кўрсатади.

Президентимиз пойтахт ички ишлар органларини аҳолига янада яқинлаштириш мақсадида ташкилий-штат тузилмасини мақбуллаштириш лойиҳаси билан танишди. Унга кўра, ички ишлар ходимларининг 86 фоизини қуйи бўғинга ўтказиш, туман ҳокимлиги, прокуратураси, солиқ инспекцияси ва бошқа идоралар билан ҳамкорликни кенгайтириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари бу таклифни маъқуллаб, жиноятчиликнинг олди олиниши, буни одамлар сезиши учун, аввало, қуйи тизим мустаҳкам бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Профилактика ишлари таҳлилга асосланиши керак. Ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза қилиш органида жиноятчиликнинг жойи ва тури бўйича чуқур маълумот бўлиши, бунинг учун давлат идоралари, жамоат ташкилотлари мунтазам бирга ишлаши зарур. Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, прокуратура – ҳаммаси халққа хизмат қилиши керак. Шу билан бирга, жамиятда ҳам жаҳолатга қарши маърифат кучли бўлиши лозим. Мухит шундай бўлиши керакки, ҳеч ким жиноятга қўл ура олмасин, деди Шавкат Мирзиёев.

Профилактика инспекторларини фаолият самарадорлигига қараб рағбатлантириш, профессионалик даражасини ошириш масаласига эътибор қаратилди. Президентимиз профилактика инспекторлари ва уларнинг ўринбосарларини ўқитиш, малакасини ошириш бўйича Тошкент давлат юридик университетининг махсус филиалини ташкил этиш зарурлигини таъкидлади.

Шу ерда тезкор навбатчилик қисмидаги инновацион технологиялар, ички ишлар ходимларининг ўзаро хабар алмашишини таъминлайдиган «Минор» дастури, ходимлар хизмат ўтаётган жой тўғрисида ахборотни кўрсатиш ва ташвиш хабарини жўнатиш учун мўлжалланган «UzGPS» тизими ҳақида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари ички ишлар бўлимидаги янги мутахассислар – психолог, вояга етмаганлар ва хотин-қизлар билан ишлаш бўйича профилактика инспекторлари билан суҳбатлашди.

Халқ билан ишлайдиган ходимлар психологияни чуқур билиши, одамларга кўмак, меҳр бериши керак. Жиноятга қўл урган ёшлар, хотин-қизларнинг аввало муаммоларини ўрганиш, маиший муаммолари бўлса, масъул ташкилотлар орқали

ёрдам бериш, руҳан қўллаб-қувватлаш зарур. Шундагина уларнинг дунёқараши ўзгаради, натижа бўлади, деди Президент.

Шавкат Мирзиёев мазкур ички ишлар бўлимидаги паспорт хизмати хонасида бўлиб, биометрик паспортларни расмийлаштириш жараёнини кузатди. Жаҳон стандартлари асосида ташкил этилган тергов хонасини кўздан кечирди.

Ички миграция ва фуқароликни расмийлаштириш гуруҳида худуддаги етти та маҳаллада яшовчи фуқароларга тезкор ва сифатли хизмат кўрсатилади. Фуқаролар ҳужжат тўлдириш, паспорт-виза тизими, ички ва ташқи миграция масалаларига оид барча саволларига шу ернинг ўзида жавоб олади, биометрик паспортларни расмийлаштириш электрон навбат орқали амалга оширилади.

Ички ишлар бўлими негизида ташкил этилган фавқулодда хизматларни тезкор бошқаришнинг ягона тизими фаолияти амалда кўрсатиб берилди. Бунга «Қутқариш хизмати – 1050», «Ёнғин хавфсизлиги – 101», «Тез тиббий ёрдам – 103», «Қўриқлаш – 102» техника ва анжомлари намойиш этилди. Бу фавқулодда ҳолатларни тезкор бартараф этишга хизмат қилади.

Президентимиз жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, жумладан, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасига замонавий вертолётлар ажратиш бўйича топшириқлар берди.

Шу кун Иўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида мамлакатимиз тинчлиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги келгуси вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Бугунги глобаллашув даврида янгидан-янги таҳдид ва хавф-хатарлар пайдо бўлмоқда, жиноятларни содир этиш усул ва воситалари, хусусиятлари ўзгариб бормоқда. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда кейинги икки йилда бу борада 100 дан ортиқ қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди.

Хусусан, ички ишлар тузилмалари ислоҳ қилинди. “Хавфсиз шаҳар”, “Хавфсиз туризм”, “Хавфсиз хонадон” тизимлари жорий этилди ва туну кун патруль хизмати йўлга қўйилди. Буларнинг самарасида ўтган йили жиноятчилик 33 фоизга камайди.

Кўрилаётган чоралар натижасида фуқароларимизда адолат ва қонун устуворлигига ишонч пайдо бўлмоқда. Лекин хотиржамликка берилишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ, ҳали олдимизда қилинадиган ишлар кўп, деди давлатимиз раҳбари.

Йиғилишда жиноятчиликни жиловлашни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш зарурлиги таъкидланди.

Масалан, Андижон вилоятининг деярли барча туманларида оғир турдаги жиноятлар сони ошган. Вилоятда аёллар жиноятчилигининг салмоғи юқори бўлиб, мамлакатдаги кўрсаткичнинг 8,5 фоизини ташкил этган. Қорақалпоғистонда жиноятчилик 31 фоизга камайган бўлса-да, қотиллик ҳолатлари кўпайган. Наманган вилоятида ҳам бу борада аҳвол қониқарсиз.

Ички ишлар вазирлигига юқоридаги масалалар бўйича вазиятни тубдан яхшилаш, чуқур таҳлил асосида мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Хабарингиз бор, ўтган йили “ишлаганни – рағбатлантириш, ишламаганни – жазолаш тизими”ни жорий этган эдик. Бугун уни сарҳисоб қиладиган вақт келди, деди Президент.

Жиноятчиликни жиловлашда энг юқори натижага эришган 10 та худуд – Ширин ва Гулистон шаҳарлари, Шаҳрисабз, Янгийўл, Кегейли, Қонликўл, Ховос, Сардоба, Миробод, Ўрта Чирчиқ туманлари ички ишлар бўлимлари бошлиқларини моддий рағбатлантириш, аксинча, бу борада кўрсаткичлари энг салбий бўлган 10 та

худуд – Нурота, Нишон, Эллиққалъа, Пахтаобод, Дўстлик, Пахтакор, Избоскан, Бўстонлик, Бувайда, Қуйи Чирчиқ туманлари ички ишлар бўлимлари бошлиқларига жарима шаклидаги интизомий жазо қўллаш бўйича тегишли кўрсатмалар берилди.

Энди ҳокимлар ҳам ҳар куни ўз ҳудудидаги жиноятлар билан боғлиқ вазиятни шахсан муҳокама қилиб бориши, шунингдек, жойлардаги халқ депутатлари Кенгашлари жиноятлар билан боғлиқ вазиятни таҳлил қилиб, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этишга ўз ҳиссасини қўшиши кераклиги таъкидланди.

Йиғилишда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги кунда “Маҳалла посбони” тузилмаси раҳбари лавозими ўрнига профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиси лавозими жорий этилиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича уларнинг шахсий жавобгарлиги белгилаб қўйилди. Келгусида жамоат хавфсизлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшган ёрдамчиларга ички ишлар органларининг олий таълим муассасаларига квота асосида ўқишга кириш ҳуқуқи берилиши маълум қилинди.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши самарали курашиш бўйича “худудлар тажрибаси”ни жорий этиш зарурлиги таъкидланди. Масалан, Тошкент шаҳрида босқинчилик, Фарғонада фирибгарлик, Тошкент вилоятида ўғрилик жинояти кўп содир этилаётганини ҳисобга олиб, уларни профилактика қилиш бўйича худудий усуллар шакллантириш талаб этилади.

Бош прокуратура академияси, Ички ишлар вазирлиги академияси, Миллий гвардия ҳарбий-техника институтига ўзаро ҳамкорликда криминоген вазият оғир бўлган худудларда илмий-тадқиқот ишлари ўтказиб, жиноятчилик аҳволи ўзгаришини криминалогик прогнозлаш бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида ички ишлар органларида ишлайдиган психолог-педагоглар мактабини яратиш, олий ўқув юртларида психолог кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш зарурлиги қайд этилди.

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масаласи муҳокама қилинар экан, кейинги вақтда ис газидан заҳарланиш ҳолатлари кўпайиб бораётгани кескин танқид қилинди.

Бунинг асосий сабаби иситиш жиҳозларининг созлигини техник кўриқдан ўтказиш ва таъмирлаш етарли даражада назорат қилинмаяпти. Бу билан нодавлат ташкилот ҳисобланган Ўзбекистон ёнғинга қарши курашиш жамияти шуғулланаяпти.

Бош прокуратура ва Адлия вазирлигига ушбу жамият фаолиятини ялпи текширишдан ўтказиш ва соҳани такомиллаштириш бўйича таклиф киритиш вазифаси қўйилди. Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Фавқулудда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Қурилиш вазирлигига иситиш жиҳозлари, мўри ва бошқа ускуналарнинг техник ҳолатига масъул давлат идорасини белгилаш, газ ва кўмир асосида иситишга мўлжалланган бино-иншоотларни ис газини ўлчаш ускуналари билан жиҳозлаш бўйича техник регламент ишлаб чиқиш юклатилди.

Йиғилишда аҳолининг мулк дахлсизлигини таъминлаш борасидаги вазифалар ҳам кўриб чиқилди. Эндиликда жамоат хавфсизлиги ва шахсий мулк дахлсизлигини таъминлашга Ички ишлар вазирлиги билан Миллий гвардия баб-баравар жавоб бериши таъкидланди.

Жазони ижро этиш муассасаларида меҳнатга лаёқатли шахсларни иш билан таъминлаш, давлат-хусусий шериклик тамойили асосида янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича ҳам топшириқлар берилди. Бундай шахсларни касбга ўргатиш эртага улар томонидан такрорий жиноятлар содир этилишининг олдини олишга хизмат қилади.

Видеоселектор йиғилишида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларини ўқитиш, уларнинг касб маҳорати ва маданиятини мунтазам ошириб бориш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тизими энг янги ёндашувларга асосланиши, улар шиддат билан ўзгараётган замон ва шарт-шароитларга мос бўлиши зарур. Ёш кадрларда танқидий таҳлил, интизом, ҳалоллик, ватанпарварлик, ташаббускорлик, шахсий жавобгарликни шакллантириш керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга раҳбар тайинлашда бутунлай янгича механизм жорий этиш бўйича топшириқ берилди. Унга мувофиқ, номзодлар маълум муддат давомида мақсадли индикаторларга эришиш шарти билан лавозимга тайинланиши, шартлар бажарилмаган тақдирда шартнома муддати узайтирилмаслиги лозимлиги белгиланди.

Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, аҳолининг барча қатламлари, айниқса, ёшларда ҳуқуқбузарликка нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим омил бўлади. Лекин ҳуқуқий тарғибот кўпинча эскича усуллар, мажлисбозлик ва юзаки маърузалардан иборат бўлиб қолаётгани сабабли тўла самара бермаётир. Шу боис куни кеча Президент фармони билан тасдиқланган Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепциясини ўз вақтида ва самарали амалга ошириш вазифаси топширилди.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда кадрлар масаласи ҳам кўрилди. Ўз хизмат вазифасини бажаришда камчиликларга йўл қўйган кўплаб раҳбарлар қатъий огоҳлантирилди, айримлари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Видеоселектор йиғилишида жамоат хавфсизлигини таъминлашга масъул давлат органлари раҳбарларининг ҳисобот ва таклифлари тингланди.

ОДАМЛАРНИНГ ҲАЁТДАН РОЗИ БЎЛИБ ЯШАШИ УЧУН БАРЧА ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИШ – БОШ МАҚСАДИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги ислохотлар, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишиш мақсадида 11 январь куни Самарқанд вилоятига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари 2018 йил 17-18 март кунлари вилоятга ташрифи чоғида кўплаб истиқболли лойиҳалар билан танишган, туман ва шаҳарларда қурилиш-бунёдкорлик ишлари қўламини кенгайтириш, саноат, туризм, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини жадал ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш юзасидан вазифалар белгилаб берган эди.

Ўтган вақт мобайнида мазкур топшириқлар ижроси доирасида муайян ишлар амалга оширилди. Саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва сервис йўналишларида умумий қиймати 1 минг 142 та лойиҳа ишга туширилиб, 10 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

2018 йилда Самарқанд вилоятини ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш дастури доирасида саноат йўналишида жами 88 та лойиҳа амалга оширилиб, 1 триллион 322 миллиард сўмдан инвестициялар ўзлаштирилди.

Тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми 58 миллион 267 минг долларни ташкил этди.

Президентимиз Самарқанд вилоятига ташрифини Имом Бухорий мақбарасини зиёрат қилишдан бошлади. Қуръон тиловат қилинди.

Маълумки, 2016 йили Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессияси очилиш маросимида давлатимиз раҳбари Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси ёнида илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш таклифини илгари сурган эди. Кейинчалик давлатимиз раҳбари ушбу марказ лойиҳаси ва қурилиши билан бир неча бор танишди, муҳим тавсиялар берди. Бугунги кунда қурилиш ва пардозлаш ишлари ниҳоясига етказилди.

Шавкат Мирзиёев ушбу марказда яратилган шароитларни кўздан кечирди.

Марказ Имом Бухорий ва бошқа мутафаккир алломаларимизнинг бебаҳо илмий-маънавий меросини ўрганиш, улар яратган асарларнинг илмий-изоҳли таржима ва қиёсий матнларини нашр этиш, мамлакатимиз ва хорижий давлатлардаги кутубхоналар, архив фондларида сақланаётган қўлёзмаларнинг электрон нусхаларини тўплаш, уларни халқимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказиш билан шуғулланади. Бу ерда аждодларимизнинг бой меросини алоҳида-алоҳида ўрганиш, етук мутахассислар тайёрлаш учун барча шароитлар яратилган.

Марказнинг биринчи қаватида музей ташкил этилган. Унда Имом Бухорийнинг ҳаёти, илмий сафарлари акс этган. Музей марказига «Саҳиҳи Бухорий» китобининг қадимий қўлёзма нусхаси қўйилган.

Музей билан танишар экан, Президентимиз бу жой зиёратчиларга Имом Бухорий ҳақида кенг тасаввур беришини, билимини бойитишини таъкидлади.

Дунё харитасида яна бир илмий марказ пайдо бўлди. Бу марказ мамлакатимизга илм, барака олиб келади. Ёшларимизга билим, куч беради. Бу ерда ўқиганлар, зиёратга келганлар катта маънавият, маърифат олади, деди Шавкат Мирзиёев.

Марказ томонидан ўтган вақт мобайнида буюк алломаларимиз меросини ўрганиш, кенг тарғиб қилиш, нуфузли халқаро марказлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди. Европа ва Шарқ мамлакатлари, дунёдаги етакчи ислом тадқиқот марказлари, университетлар билан алоқалар ўрнатилди. Жумладан, Буюк Британиянинг Оксфорд ислом тадқиқотлари маркази, Кембриж университети, “Ал-Фурқон” фонди, Британия музейи, Франциянинг Араб дунёси институти, Франция миллий кутубхонаси ва бошқа илм-фан масканлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Марказ илмий ходимлари томонидан “Имом Бухорий таърифи”, “Алоуддин Усмандий Самарқандий ҳаёти ва илмий мероси”, “Лубобул ҳадис” асари каби 17 та китоб нашрга тайёрланди. Хорижий мамлакатларнинг кутубхона фондларида сақланаётган 535 та қўлёзма ва тошбосма асарларнинг электрон нусхалари олинди. Марказда сақланаётган 1 минг 168 асарнинг каталоги тайёрланди.

Давлатимиз раҳбари қўлёзма китобларни авайлаб сақлаш, таржима қилиб халққа етказиш бўйича кўрсатмалар берди.

Имом Бухорий илмий-тадқиқот маркази билан бирга олий диний таълим муассасаси – Ҳадис илми мактаби ҳам бунёд этилган. Шавкат Мирзиёев ушбу мактаб билан ҳам танишди.

Ҳадис илми мактабида ўқиш муддати беш йил. Мактабга араб тилини пухта ўзлаштирган, ҳадисларни ёд олишга салоҳияти бўлган ўрта махсус диний таълим муассасаларининг 10 нафар иқтидорли битирувчиси саралаб олинган. Мактабда ҳадисшунослик фанлари билан бир қаторда Қуръони карим, фикҳ, ақида, тафсир, ислом тарихи каби фанлар ҳамда хорижий тиллардан чуқур билим берилади.

Буюк аждодларимиз асос солган Ҳадис илми мактаби фаолиятини ташкил қилиш мамлакатимиз маънавий тараққиётининг бугунги босқичида муҳим аҳамият касб этади. Ташкил этилган муассаса олдида ҳадис илмининг илмий-назарий асосларини пухта ўрганиш, хорижий тилларни чуқур ўргатиш, машғулотларни «Устоз – шогирд» анъаналари асосида ташкил этиш, дунёвий давлатда диний кадрларни асраб-авайлаш, ҳадис илми уламулари асарларининг илмий-изоҳли таржима ва қиёсий матнларини тайёрлаш, ўзбек ва хорижий тилларда нашр этиш, илмий семинарлар, конференциялар ташкил этиш, энг муҳими, «Жаҳолатга қарши – маърифат» шиори асосида муросасизлик, экстремизм ва терроризмнинг ҳар қандай кўринишларига илм-маърифат, юксак одоб-ахлоқ билан қарши туришдек катта вазифалар қўйилган.

Келажакда Ҳадис илми мактаби битирувчилари диний фанлар, хусусан, ҳадис илми соҳасида таълим бериб, диний ташкилотларда имом-хатиб, илмий ходим вазифаларида ишлаши, шунингдек, илмий-тадқиқот марказларида илмий ходим сифатида фаолият олиб бориши кўзда тутилган. Битирувчилар таълимни ўз ихтисослигига кўра, Ўзбекистон халқаро ислом академияси магистратурасида, таянч докторантура ва докторантура босқичларида давом эттириши мумкин.

Президентимиз мактабда ўқитиш услубларини такомиллаштириш, халқаро илмий марказлар билан ҳамкорликни ривожлантириш зарурлигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев Самарқанд тумани Қорасув массивида қурилаётган замонавий уй-жойларни бориб кўрди.

Президентимиз ҳудудларга ташрифи чоғида энг муҳим ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар қатори аҳоли учун қулай турмуш шароити яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратади. Самарқанд вилоятида ҳам кейинги йилларда бу борада салмоқли ишлар қилинмоқда.

Жумладан, Самарқанд шаҳри аҳолисининг уй-жойга эҳтиёжи юқорилигини инобатга олиб, 2018 йилги дастурга қўшимча равишда кўп қаватли арзон уйлар қуриш киритилган эди. Шунга мувофиқ, Самарқанд тумани Қорасув массивидан Самарқанд шаҳри учун 50 гектарга яқин ер ажратилиб, кенг кўламли бунёдкорлик-ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

2018 йилнинг ўзида “Ўзшаҳарқурилишинвест” инжиниринг компанияси буюртмаси асосида жами 1 минг 344 хонадондан иборат 7 қаватли 32 та арзон уй барпо этилди. Бундан ташқари, “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси томонидан Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий гвардия хизматчилари ва ёш оилаларга мўлжалланган 5 қаватли 12 та турар жой қуриб, фойдаланишга топширилди. Шу билан бирга, ҳудудда хусусий боғча, ички ишлар бўлими биноси, савдо ва маиший хизмат мажмуаси, “Регистон” супермаркети қуриб битказилди. 540 ўринли мактаб қурилиши якунланмоқда.

Шу тариқа бу ерда қисқа фурсатда замонавий массив қад ростлади. Янги уйларда одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун барча қулайликлар эътиборга олинган. Ҳар бир хонадон индивидуал иситиш қозонлари билан таъминланган. Уйлар олдида болалар ўйин майдончалари барпо этилган.

Давлатимиз раҳбари Жасур Турсункулов ва Жамшид Каттакуловлар оилалари кўчиб ўтган хонадонларни кириб кўрди, уй соҳиблари билан суҳбатлашди.

Шу ерда Қорасув массивида 2019 йилда фойдаланишга топшириладиган уйлар, жумладан, “Агромир билдингс” компанияси томонидан Туркиянинг замонавий технологияси асосида монолит усулида барпо этилаётган 16 қаватли турар жойлар, коммунал соҳа инфратузилма объектларининг лойиҳа кўринишидаги тақдимотлари ўтказилди.

Янги массивда “Ўзшахарқурилишинвест” инжиниринг компанияси томонидан 12 та, “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси томонидан 7 та уй қурилиши жадал олиб борилмоқда.

Президентимиз турар жойлар қурилишининг одамлар ҳаётидаги, ҳудуд инфратузилмасидаги аҳамияти ҳақида тўхталди.

Самарқанд туризм маркази бўлиши керак. Шунинг учун бу ерда кўп қаватли уйлар қурилишини кўпайтирамиз. Шаҳарда энг замонавий талабларга жавоб берадиган уйлар қуриб, аҳолини таъминлаймиз. Уйларни қуришдан олдин унинг эгаси, қайси қаватда, неча хонали уйда яшашигача аниқ бўлиши лозим, деди давлатимиз раҳбари.

Самарқанд сейсмик жиҳатдан қулай ҳудудда жойлашгани боис келажакда Каттакўрғон, Ургут, Пахтачи, Нарпай, Қўшработ туманлари марказларида ҳам кўп қаватли уйлар қурилиши зарурлиги таъкидланди.

Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, жумладан, ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, тармоқ корхоналарида замонавий технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тойлоқ туманидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ва қадоклашга ихтисослаштирилган “Pet Agro Oil” кўшма корхонаси 2017 йилда Шимолий Ирландиянинг “Nortec Estate LLP” компанияси ҳамда Ўзбекистоннинг “Tony Green” фирмаси томонидан ташкил этилган.

Айни пайтда корхона фаолиятини кенгайтириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Италия, Австрия, Туркия, Швейцария, Ҳиндистон, Болгария ва Хитойдан 7 миллион долларга замонавий технологиялар келтириб ўрнатилди.

Корхона тўлиқ қувват билан иш бошлагач, 800 кишининг бандлиги таъминланади. Кунига 350 тонна ўсимлик ёғи, 3 минг тонна томат пастаси, 2 минг 500 тонна олма концентрати ишлаб чиқарилади.

Шу ерда Самарқанд вилоятига бириктирилган Ўзбекистон Республикасининг Туркия, Хитой ва Испания давлатларидаги элчихоналари ҳамда Афина шаҳридаги Бош консуллиги кўмагида амалга ошириладиган лойиҳалар, вилоятда интенсив боғлар, пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил этиш, сув тежайдиган технологиялар, паррандачиликни ривожлантириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ишлари тақдимотлари ўтказилди.

Давлатимиз раҳбарига Хитойнинг “Henan Wanbang Selected Supply Chain Management Co.LTD” компанияси томонидан чорвачилик кластери қуриш лойиҳаси, Булунғур, Жомбой ва Пайариқ туманларида чорвачилик кластерига танланган ер майдонлари, аҳоли томорқасидан самарали фойдаланиш ва “Томорқа хизмати” МЧЖ фаолиятини кенгайтириш вазифалари ҳақида маълумот берилди.

Самарқанд туманидаги “Afrosiyob Parranda” МЧЖ Самарқанд, Тошкент, Андижон ва Сурхондарё вилоятларида омихта ем ҳамда премикс ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни режалаштирган. Сурхондарёда 2019 йилнинг тўртинчи чорагида 6,6 миллион евро эвазига йилига 50 минг тонна омихта ем тайёрлайдиган корхона барпо этилади.

Президентимиз Туркиядаги элчихона томонидан қишлоқ хўжалиги учун дори воситалари ва ўғитлар, томчилатиб суғориш ускуналари, трактор, полипропилендан ип-калава, сендвич панель ишлаб чиқариш, Самарқанд шаҳрида 130 ўринли меҳмонхона қуриш лойиҳалари билан танишди.

Испания қироллигидаги элчихона вилоятда замонавий қурилиш материаллари, иссиқхона қуриш учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш, пахта учун

томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги экинлари уруғини тайёрлаш заводи қуриш лойиҳаларини амалга оширади.

Шавкат Мирзиёев ушбу лойиҳаларнинг асоси, самарадорлиги билан қизиқди. Улар юзасидан тегишли кўрсатмалар бериб, хорижий тажрибани ўрганиш, керак бўлса, чет элдан консультантлар жалб этиш зарурлигини таъкидлади.

Самарқанд вилоятида 37 минг гектардан зиёд лалми ер майдонларидан фойдаланилмаётгани, уларни ишга солиб, аҳолини иш ва арзон маҳсулотлар билан таъминлаш мумкинлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд шаҳрининг Университет хиёбонида қурилаётган Конфуций майдонида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Конфуций эрамиздан олдинги 551 йилда туғилган. Хитой маданияти асосларининг яратилиш даврини бошлаб берган. Конфуций таълимоти асосчиси, сиёсий арбоб сифатида танилган.

2014 йилда Шанхай хорижий тиллар университети ва Самарқанд давлат чет тиллар институти ўртасида имзоланган ўзаро ҳамкорлик шартномасига мувофиқ, чет тиллар институти қошида Конфуций институти ташкил этилган эди.

Президентимизнинг аввалги ташрифи чоғида берилган топшириқларга мувофиқ, Самарқанд давлат университети ёнида буюк мутафаккир Конфуций хайкали ўрнатилди. Ҳайкал атрофидаги майдонда қадимги Хитой анъаналарига хос айвонлар барпо этилди.

Самарқанд давлат университетига қарашли 9 қаватли ўқув ва маъмурий бинода қурилиш ишлари амалга оширилиб, унинг ҳар бир қавати ривожланган мамлакатларнинг нуфузли олий таълим муассасалари андозаларига мослаштирилди.

Бу ерда халқаро таълим дастурлари маркази ташкил этилмоқда. Унда Хитой, Жанубий Корея, Япония, Ҳиндистон ва Европа Иттифоқи давлатлари университетларидаги энг яхши тажрибалар ўрганилади. Мамлакатимиз тармоқлари учун зарур малакали мутахассислар тайёрланади. Талабалар икки йил ушбу марказда таълим олса, кейин хорижда ўқишни давом эттиради.

Президентимиз марказ лойиҳаси билан танишиб, мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди. Шу ерда Самарқандда туризмни ривожлантириш, конгресс-холл ва меҳмонхоналар қуришга оид ва бошқа лойиҳалар намойиш этилди.

Ўн тўрт гектардан зиёд майдонда бунёд этиладиган конгресс-холлда йирик халқаро анжуманлар ўтказиш учун барча шароит яратилади. Унинг атрофида беш юлдузли иккита замонавий меҳмонхона, бизнес марказлар ва бошқа объектлар қурилади.

Бугунги кунда Самарқанд вилоятида 540 дан зиёд туристик объект, 119 та меҳмонхона, 23 та уй меҳмонхона, 127 та туроператор фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йили вилоятга 2 миллион 400 мингдан зиёд маҳаллий ва хорижлик сайёҳ ташриф буюрган. Айти пайтда вилоят туризм салоҳиятини янада ривожлантириш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Индонезиянинг «Sahid group» компанияси билан ҳамкорликда иккита замонавий меҳмонхона қурилмоқда. Ургут, Самарқанд, Нуробод каби қатор туманларда янги туристик маршрутлар ташкил этиш ишлари бошланган.

Давлатимиз раҳбарига туризмни ривожлантириш бўйича “Smart Chain” компанияси томонидан “Nazzar” инновацион иловаси ҳақида маълумот берилди. Ушбу инновацион илова исталган материални тўлдирилган вокелик элементлари билан бойитиши мумкин. Смартфон “Nazzar” белгисига йўналтирилса, мобиль

қурилма экранида реал объектнинг тасвири чиқиб, у турли эффектлар билан тўлдирилади.

“Smart Chain” компанияси мутахассислари таклиф этаётган инновацион иловалар орқали мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳиятини кенг тарғиб қилиш ҳамда тарихий обидалар ва музейларни ёшлар ўртасида янада оммалаштириш мумкин. Ушбу карточкаларга смартфонни яқинлаштириш орқали тарихий объектларни “гавдалантириш”, лавҳа фонидида аудиоматни эшитиш ёки уни 3D реаллигида томоша қилиш имконияти мавжуд. Президент мамлакатимиз туризм салоҳиятини янада ривожлантириш учун, аввало, малакали мутахассислар тайёрлаш зарурлигини қайд этди. Мутасаддиларга туризм ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, Самарқанддаги “Ипак йўли” туризм халқаро университети фаолиятини янада кучайтириш бўйича топшириқлар берди.

Шу кунини Самарқанд шаҳрида халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев юртимиз равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилаётган Самарқанд аҳлига чуқур ҳурматини билдириб, иқтисодий-ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, халқимиз ҳаётини яхшилаш бўйича вилоятда ҳам кўп ишлар қилинаётганини таъкидлади.

Жумладан, «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла» дастурлари доирасида 29 та қишлоқ, 4 та маҳаллада қарийб 200 миллиард сўмлик қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилган. Ўтган йили 1 минг 500 квартиралар 36 та кўп қаватли уй, 2 минг 349 та арзон уй-жой барпо этилиб, эгаларига топширилган. 60 га яқин давлат болалар боғчаси қурилиб, 356 та хусусий мактабгача таълим муассасаси ташкил этилган. Соғлиқни сақлаш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, коммунал тармоқларни реконструкция қилиш бўйича ҳам аниқ манзилли ишлар бажарилган.

Давлатимиз раҳбари Германиянинг етакчи университетлари билан ҳамкорлик ўрнатиб, Самарқандда «рақамли иқтисодиёт» учун кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш бўйича кўрсатма берди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг тавсиясига биноан Самарқанд вилояти ҳокими вазифасини вақтинча бажариб келаётган Эркинжон Турдимов Самарқанд вилоятининг ҳокими этиб тасдиқланди.

Сўзга чиққанлар Президентимиз томонидан Самарқанд вилоятини жадал ривожлантириш бўйича белгилаб берилган вазифаларни бажариш йўлида бор куч ва имкониятларини сафарбар этишини таъкидладилар.

Вилоят иқтисодиётини ривожлантириш, инвестиция жараёнини фаоллаштириб, янги корхоналар қуриш ва иш ўринларини кўпайтириш энг муҳим ва устувор йўналиш ҳисобланади. Ўтган йили вилоятда 448 та объект ишга туширилган. Лекин Самарқанддек катта салоҳиятга эга ҳудуд учун бу етарли эмас, деди Шавкат Мирзиёев.

Шу мақсадда 2019-2020 йилларда амалга ошириладиган 968 та инвестиция лойиҳаси шакллантирилгани, хорижий давлатлар билан ҳамкорликда йирик саноат корхоналари ташкил этилиши маълум қилинди.

Самарқанднинг туризм салоҳиятидан фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича топшириқлар берилди.